

224/344 – عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ الْحِزَاعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنَّا فِي سَفَرٍ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَإِنَّا أَسْرَيْنَا، حَتَّى كُنَّا فِي آخِرِ اللَّيْلِ، وَقَعْنَا وَقَعَةً، وَلَا وَقَعَةَ أَحَلَى عِنْدَ الْمُسَافِرِ مِنْهَا، فَمَا أَيْقَظُنَا إِلَّا حَرُّ الشَّمْسِ، وَكَانَ أَوَّلَ مَنْ اسْتَيْقَظَ فُلَانٌ ثُمَّ فُلَانٌ ثُمَّ فُلَانٌ ثُمَّ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ الرَّابِعُ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا نَامَ لَمْ يُوقِظْ حَتَّى يَكُونَ هُوَ يَسْتَيْقِظُ، لِأَنَّا لَا نَدْرِي مَا يَخْدُثُ لَهُ فِي تَوَمِهِ، فَلَمَّا اسْتَيْقَظَ عُمَرُ وَرَأَى مَا أَصَابَ النَّاسَ، وَكَانَ رَجُلًا جَلِيدًا، فَكَبَّرَ وَرَفَعَ صَوْتَهُ بِالتَّكْبِيرِ، فَمَا زَالَ يُكَبِّرُ وَيَرْفَعُ صَوْتَهُ بِالتَّكْبِيرِ حَتَّى اسْتَيْقَظَ لِصَوْتِهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمَّا اسْتَيْقَظَ شَكَّوْا إِلَيْهِ الَّذِي أَصَابَهُمْ، قَالَ: «لَا ضَيْرَ أَوْ لَا يَضِيرُ، ارْتَحِلُوا». فَارْتَحَلَ فَسَارَ غَيْرَ بَعِيدٍ، ثُمَّ تَزَلَّ فَدَعَا بِالْوَضُوءِ فَتَوَضَّأَ، وَتُوْدِيَ بِالصَّلَاةِ فَصَلَّى بِالنَّاسِ، فَلَمَّا انْقَضَ مِنْ صَلَاتِهِ، إِذَا هُوَ بِرَجُلٍ مُعْتَرِلٍ لَمْ يُصَلِّ مَعَ الْقَوْمِ، قَالَ: «مَا مَنَعَكَ يَا فُلَانُ أَنْ تُصَلِّيَ مَعَ الْقَوْمِ؟» قَالَ: أَصَابَنِي جَنَابَةٌ وَلَا مَاءَ، قَالَ: «عَلَيْكَ بِالصَّعِيدِ، فَإِنَّهُ يَكْفِيكَ». ثُمَّ سَارَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَاشْتَكَى إِلَيْهِ النَّاسُ مِنْ الْعَطَشِ، فَتَزَلَّ فَدَعَا فُلَانًا وَدَعَا عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ: «أَذْهَبَا فَابْتَغِيَا الْمَاءَ». فَانْطَلَقَا، فَتَلَقِيَا امْرَأَةً بَيْنَ مَرَادَتَيْنِ، أَوْ سَطِيحَتَيْنِ مِنْ مَاءٍ عَلَى بَعِيرٍ لَهَا، فَقَالَا لَهَا: أَيْنَ الْمَاءُ؟ قَالَتْ: عَهْدِي بِالْمَاءِ أَمْسِ هَذِهِ السَّاعَةَ، وَتَفَرَّنَا حُلُوفٌ، قَالَا لَهَا: انْطَلِقِي إِذَا، قَالَتْ: إِلَى أَيْنَ؟ قَالَا: إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَتْ: الَّذِي يُقَالُ لَهُ الصَّابِيُّ؟ قَالَا: هُوَ الَّذِي تَعْنِينَ، فَانْطَلِقِي، فَجَاءَا بِهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَحَدَّثَاهُ الْحَدِيثَ، قَالَ: فَاسْتَزَلُّوْهَا عَنْ بَعِيرِهَا، وَدَعَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِإِنَاءٍ، فَفَرَّغَ فِيهِ مِنْ أَقْوَاهِ الْمَرَادَتَيْنِ، أَوْ السَّطِيحَتَيْنِ، وَأَوْكَأَ أَقْوَاهُمَا، وَأَطْلَقَ الْعَزَائِيَّ، وَتُوْدِيَ فِي النَّاسِ: اسْقُوا وَاسْتَقُوا، فَسَقَى مَنْ سَقَى، وَاسْتَقَى مَنْ شَاءَ، وَكَانَ آخِرَ ذَلِكَ أَنْ أُعْطِيَ الَّذِي أَصَابَتْهُ الْجَنَابَةُ إِنَاءً مِنْ مَاءٍ، قَالَ: «أَذْهَبَ فَأَفْرِغْهُ عَلَيْكَ». وَهِيَ قَائِمَةٌ تَنْظُرُ إِلَى مَا

يُفْعَلُ بِمَائِهَا، وَإِيمُ اللَّهِ، لَقَدْ أَفْلَحَ عَنْهَا، وَإِنَّهُ لِيَحْيِلُ إِلَيْنَا أَهْمًا أَشَدُّ مِلَّةً مِنْهَا حِينَ ابْتَدَأَ فِيهَا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اجْمَعُوا لَهَا». فَجَمَعُوا لَهَا مِنْ بَيْنِ عَجْوَةٍ وَدَقِيقَةٍ وَسَوِيقَةٍ، حَتَّى جَمَعُوا لَهَا طَعَامًا، فَجَعَلُوهَا فِي ثَوْبٍ، وَحَمَلُوهَا عَلَى بَعِيرِهَا، وَوَضَعُوا الثَّوْبَ بَيْنَ يَدَيْهَا، قَالَ لَهَا: «تَعْلَمِينَ، مَا رَزَقْنَا مِنْ مَائِكَ شَيْئًا، وَلَكِنَّ اللَّهَ هُوَ الَّذِي أَسْقَانَا». فَأَتَتْ أَهْلَهَا وَقَدِ احْتَبَسَتْ عَنْهُمْ، قَالُوا: مَا حَبَسَكَ يَا فُلَانَةُ؟ قَالَتْ: الْعَجَبُ، لَقِينِي رَجُلَانِ، فَذَهَبَا بِي إِلَى هَذَا الَّذِي يُقَالُ لَهُ الصَّابِيُّ، فَفَعَلَ كَذَا وَكَذَا، فَوَاللَّهِ إِنَّهُ لَأَسْحَرُ النَّاسَ مِنْ بَيْنِ هَذِهِ وَهَذِهِ، وَقَالَتْ بِإِصْبَعَيْهَا الْوُسْطَى وَالسَّبَابَةَ، فَرَفَعَتْهُمَا إِلَى السَّمَاءِ - تَعْنِي: السَّمَاءَ وَالْأَرْضَ - أَوْ إِنَّهُ لَرَسُولُ اللَّهِ حَقًّا. فَكَانَ الْمُسْلِمُونَ بَعْدَ ذَلِكَ، يُغَيِّرُونَ عَلَى مَنْ حَوْهًا مِنَ الْمُشْرِكِينَ، وَلَا يُصِيبُونَ الصِّرَمَ الَّذِي هِيَ مِنْهُ، فَقَالَتْ يَوْمًا لِقَوْمِهَا: مَا أَرَى أَنَّ هَؤُلَاءِ الْقَوْمِ يَدْعُونَكُمْ عَمْدًا، فَهَلْ لَكُمْ فِي الْإِسْلَامِ؟ فَأَطَاعُوهَا فَدَخَلُوا فِي الْإِسْلَامِ.

224.344 Имрон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. Кечаси йўл юрдик, ниҳоят, туннинг охирига етганимизда шундай уйқуга кетдикки, мусофир учун бундан ширин уйқу бўлмади. Бизни қуёш ҳароратигина уйғотди. Биринчи бўлиб фалончи, кейин фалончи, кейин фалончи уйғонди - Абу Ражо (Имрондан ривоят қилган ровий) уларнинг номларини айтган-у, Авф (Абу Ражодан ривоят қилган ровий) унутиб қўйган - кейин Умар ибн Хаттоб тўртинчиси бўлди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам эса ўзлари уйғонмагунларича уйқудан уйғотилмас эдилар, чунки биз у зотнинг уйқуларида нималар содир бўлишини билмас эдик.

Умар уйғониб, одамларга нима бўлганини кўргач, - у бақувват одам эди - овозини кўтариб такбир айтди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам унинг товушидан уйғонгунларича овозини кўтариб такбир айтаверди. У зот уйғонгач, (одамлар) бошларига тушган ишдан у зотга шикоят қилишди. У зот: «**Зарари йўқ [ёки зарар қилмайди], йўлга тушинглар**», дедилар. Йўлга тушиб, узоқ юрмадилар, кейин тўхтаб, таҳорат суви келтиришни сўрадилар ва таҳорат қилдилар. Намозга азон айтилди. Одамларга намоз ўқиб бердилар. Намоздан ўгирилгач, қавм билан намоз ўқимай, четда турган бир кишига кўзлари тушиб: «**Эй фалончи, қавм билан намоз ўқишингдан сени нима тўсди?**» дедилар. У: «Мен жунуб бўлиб қолдим, сув эса йўқ», деди. У зот: «(Пок) **тупроқ ишлат, у сенга кифоя қилади**», дедилар.

Кейин Набий соллаллоху алайҳи васаллам йўлга чиқдилар. Одамлар (йўлда) у зотга ташналикдан шикоят қилишди. Шунда у зот тўхтаб, уловдан тушдилар ва фалончини – Абу Ражо унинг исмини айтган, Авф эса уни унутиб қўйган – ва Алийни чақириб: **«Боринглар, сув қидиринглар»**, дедилар. Икковлон жўнашди. Улар туясининг устида, мазоданинг [ёки икки сатийҳанинг]* ўртасида ўтириб кетаётган аёлга дуч келишди ва ундан: «Сув қаерда?» деб сўрашди. Аёл: «Кеча шунақа пайт сувнинг олдида эдим, эркакларимиз бизни қолдириб, сафарга чиқиб кетишган», деди. «Унда биз билан юр», дейишди. «Қаерга?» деди у. «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига», дейишди. «Собий»* деб айтилаётган кишими?» деди. «Сен айтаётган одам ўша, юр», дейишди.

Уни Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига олиб келиб, у зотга бўлган гапни сўзлаб беришди. Кейин уни туясининг устидан туширишди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир идиш сўрадилар. Кейин унга иккала мазоданинг [ёки иккала сатийҳанинг] оғзидан сув қуйдилар ва иккаласининг оғзини боғлаб, перовини очиқ қолдирдилар. Одамларга «Суғоринглар ва ичинглар!» деб нидо қилинди. Хоҳлаган суғорди, хоҳлаган ичди. Охири Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам жунублик етган кишига: **«Бор, буни устингдан қуйиб ол»**, деб бир идишда сув бердилар. Аёл эса шу турганича сувини нималар қилишаётганига қараб турар эди. Аллоҳга қасамки, улардан (сув олиш) тўхтатилди, идишлар бизга (сув олиш) бошлаган пайтдагидан ҳам тўлароқ туюлди.

Набий алайҳиссалом: **«Бунга (бир нима) йиғиб беринглар»**, дедилар. Унга ажва,* ун ва толқондан бир қанча егулик йиғиб, бир тугунга солиб беришди. Уларни (идишларни) туянинг устига юклаб, тугунни эса аёлнинг олд тарафига қўйишди. У зот унга: **«Кўряпсан-а, сувингдан ҳеч қанча камайтирмадик, бизларга сув берган Аллоҳнинг Ўзи»**, дедилар.

Кейин у (аёл) ўз аҳлининг олдида келди, улардан ортда қолиб кетган эди. «Сени нима ушлаб қолди, эй фалончи?» дейишди. У деди: «Ажойиб иш бўлди: менга икки киши йўлиқиб, анави «собий» деб айтилаётган кишининг олдида олиб боришди. У шундай, шундай қилди. Аллоҳга қасамки, у киши бу билан анавининг – аёл ер билан осмонни назарда тутиб, ўрта ва кўрсаткич бармоқларини осмонга кўтариб ишора қилди – ўртасидаги инсонларнинг энг сеҳргаридир ёки у ҳақиқатан Аллоҳнинг элчисидир».

Мусулмонлар ушбу воқеадан кейин ўша аёлнинг атрофидаги мушриклар устига бостириб боришар, лекин у аёл мансуб бўлган хонадонларга тегишмас эди. Бир куни у ўз қавмига: «Ўйлайманки, бу одамлар сизларга атайлаб тегишмаяпти. Исломга кирсангиз-чи!» деди. Шунда улар унга итоат қилиб, Исломга киришди».

* Мазода, сатийҳа – иккита терини бир-бирига улаб тикилган катта мешкоб, у асосан сафарга мўлжалланган сув идиши бўлган.

* Собий – эски динидан чиқиб, янги динга кирувчи. Жоҳилият араблари жоҳилиятдаги динини ташлаб, Ислом динига кирганларни шундай деб аташар эди.

* Ажва – хурмонинг бир тури. Мадина хурмоларининг энг яхши навларидан бўлиб, сифати ва фойдалилиги билан бошқа навлардан ажралиб туради.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI